



# ИШОНЧНИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ  
2000 йил 5 август, шанба №112 (944)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Фахр

### «ЭНДИ ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДИ БЎЛИБ БОРАМАН...»

**Ўзур туманининг Улугбек номли жамоа ҳўжалигига қарашли Чўқур кишлоғида истиқомат қилувчи 59 ёшли дехқон Алиёр Холиёров Польша республикасининг Белосток шаҳри ҳокимиятидан таклиф хати олди.**

Унда, жумладан, шундай дейилганди: «Мамлакатимизни босқинчилардан озод қилиш учун қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг фарзандларини янги минг йиллик арафасида шахримизга таклиф қиламиз. Сизни, яъни мард жангчи Холиёр Муродовнинг ўғлини ҳам муборак меҳмонларимиз қаторида кўришни истар эдик...»

... Олди дехқон йигиткишлоқнинг кураги ерга тегмас полвони Холиёр Муродов 1941 йилнинг кен кузиде фронтга йўл олган эди. «Европа деган жойда Гитлер номли бир махлуқ пайдо бўлиб қолди, — деганди у ҳамкишлоқларига ярим жиддий, ярим ҳазил оҳанда, — кани, куч синишиб кўрайлик-чи, кимнинг кураги ерга тегар экан!»

Жангоҳқа кетаётганида унинг ортидан олти ойлик Алиёр исми ўғилчаси қолган эди.

Холиёр Муродовдан шушу даража бўлмади. Фақат орадан 46 йил ўтгачина унинг пахтакор ўғли Алиёр яхши одамлар ёрдами тўғрисида катта изланиш ишлари олиб бориши натижа-сида аскар отаси тақдирини саҳифаларини излаб топа олди. Маълум бўлишича,

олди аскар Холиёр Муродов то 1945 йилнинг 15 январигача урушда мардонавор жанг қилган, саккиз марта оғир ярдор бўлган, ҳар сафар соғайиб, оёққа тургач, яна ўз ҳарбий кисмига қайтаверган... Ҳатто оғир ярдор бўлган кунларининг бирида Ташкент госпиталида даволанибди, лекин бу ердан унча узоқ бўлмаган Қашқадарёга келиб, ўғли ва рафиқасини йўқлаб кетишининг иложини қилмаган...

Дахшатли урушнинг тугашига атиги тўрт ой қолганида у Польшанинг Белосток шаҳрини озод қилишдаги қонли жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, мардларча ҳалок бўлибди ва шаҳар ўртасидаги Рус қабристонининг 46 рақамли сағанасига дафн этилди.

Ўғил Алиёр Холиёров ўша ерлик уруш фахрийларининг таклифига биноан илк бор 1987 йилнинг кузиде Польшага сафар қилган эди. У ерда пахтакор йигитни Белосток шаҳри фуқаролари илқ кутиб олди. Меҳмон ўзи билан олиб келган бир сижим тўроқчи отасининг қабри устига тўкди. Шу қабр тўроғидан бир сижим олиб ўз



она юртига келди ва Чўқур кишлоқнинг қабристонига отасининг рамзий қабрини тиклади.

Шу-шу Алиёр Холиёров поляк дўстлари билан хат ёзишиб туради. — Мабодо иложини топсам, отамнинг қабрини яна бир бор зиёрат қилиб келишга чоғланаман, — деди у «Туркистон-пресс» муҳбири билан бўлган суҳбат чоғида, — лекин энди у ерга аввалги мустабид давлатнинг эмас, балки мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида бораман.

### ҲАМКОР, ҲАМФИКР

Фаргона консерва заводи Саудия Арабистони тадбиркорлари томонидан қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мувофиқ жиҳозланди. «МС ФУД Прогрессинг КО» Ўзбекистон-Саудия Арабистони қўшма корхонаси деб ном олган бу йрик ишлаб чиқариш мажмуи дастлабки маҳсулотлариданоқ харидорларнинг назарига тушди.

Мазкур жамоа фаолиятида энг аҳамиятли жиҳатлардан бири — бу иш сифати ва унумининг уйғунлигидир. Бу эса қўшма корхона раванқига қўл келди. Айни пайтда бу ерда мева ва сабзавотлар қайта ишланиб, 30 килга яқин сифатили маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 50 фоизи экспорт учун мўлжалланган. Қолган 50 фоизи эса ҳамюртларимиз дастурхонига тортиқ этилади. Ҳозир мамлакатимизда айни пишиқчилик палласида корхона жамоасининг қўли қўлга тегмайдди. Ҳар қуни 70-80 тоннадан мева-сабзавот қайта ишланмоқда.

**Суратлар:** 1. Экспорт учун ишлаб чиқарилаётган томат пастаси цехида. 2. Ниш Санобар Хоринава ўз меҳнатидан мамнун.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер ҳўжалиги мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлади. Бу ерда «Барака лизинг» компанияси ва Исроилининг «Мараф» фирмаси ҳамкорлигида иш бошлаган кичик сут заводи ўзининг дастлабки маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берди.

### ФЕРМЕР ЗАВОД КҮРДИ

Янги завод бир сменада 2 тонна сутни қайта ишлаб, махсус идишларга қадоқланган сут, йогурт, қаймоқ, пишлоқ каби 8 турдаги маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга. Шу пайтгача туман аҳолиси учун зарур бўлган сут маҳсулотлари Қўқондан келтирилган эди.

Фермер ҳўжалиқлари ва бошқа тармоқларда тайёрланган сут маҳсулотларига олдиндан эллик фоиз ҳақ тўлаб, харид қилишни режалаштиряпти, — деди «Умид» фермер ҳўжалиги бошлиғи Имомали Назаров. — Махсус транспортимиз билан сутни фермер ҳўжалиқларидан ўзимиз йиғиб келамиз. Бу шерикларимизни ортиқча ташвишлардан халос қилади.

Р.КАМОНОВ, ЎЗА муҳбири.

**Келажақдаги юксалиш даражаси барча замонларда ёшларнинг камолот даражаси билан белгиланган. Шунинг учун ҳам Президентимиз ва ҳукуватимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшлар масаласига, таълимий жаҳон андозалари даражасига кўтаришга, миллий тарбияга жуда катта эътибор қаратади. Бу сиёсат ўтган йиллар давомида ўз самарасини кўрсатди. Буни халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Умуман аҳвол ёмон эмас. Лекин ютуқлар билан бир қаторда маъжуд муаммолар ҳақида ҳам кўпроқ гапиримиз керак. Чунки «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» олдимишга жуда катта вазифаларни қўйди.

Мақсад ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим беришдан, уларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялашдан иборатдир. Жомбойлик халқ таълими ходимларининг бутун фаолияти ана шунга бўйсундирилган.

Ҳозир туманимизда 56 та мактаб маъжуд. Уларнинг 24 таси замонавий бинога жойлашган. Таълим муассасаларининг аксариятида компьютер синфлари бор. Ҳўқувчиларимизнинг малакаси ҳам юқори. Дарвоқе, шу ўринда айтишимиз керакки, Мустақиллик йилларида ўнлаб ўқувчиларининг таълим-тарбия соҳасидаги муваффақиятлари учун давлатимизнинг юксак мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлишди.

Шу билан бирга, бир қатор мактабларимиз мустақиллаштирилган бинода жойлашганини, айрим мактабларда таълим жараёни икки сменили эканлигини афсус билан қайд этишимиз керак. Бу каби муаммоларнинг баъзилари вилоят ва туман ҳокимликлари ёрдамида изчиллик билан ҳал этиляпти. Негаки, баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган ҳар бир тадбир Ўзбекистон келажаги пайдоёвирга қўйилган бир гишдир.

Янгиликка, янгилинишга интиломасдан туриб таълим соҳасида бирор самарага эришиш қийин. Шу боис

ўқитувчиларимиз доимий изланишларда. Хусусан, 1996 йилда ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими таъриба тариқасида жорий қилинди. Бу борада тўплаган таърибаларимизни ўрганиш мақсадида 46- ва 23-ўрта мактабларимизда бир неча марта

## ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

республика ва вилоят анжуманлари ўтказилди. Туман халқ таълими бўлими ишлаб чиққан «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида»-ги Низом лойиҳасини республика Халқ таълими вазирлигининг эксперт гуруҳи маъқулади. Бу усул 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб барча мактабларда тўлиқ қўлланилмоқда. Муҳими, дарс жараёнида ўқитувчининг мутлақ ҳукмронлигига барҳам берилиб, ўқувчиларнинг эркин фикрлашига, ўз-ўзини бошқаришга, ижодий баҳslashуларга имкон яратилмоқда. Иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мактабларда 4 та лицей синфлари, 21 та чуқурлаштирилган таълим синфлари очилди. Натижа ёмон бўлмапти. Туманимиз таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги жиҳатидан вилоятда анча юқори навқега эга.

Ўқитувчи ва ўқувчиларимизнинг фахрланишга арзигulik ишлари бор. Масалан, 46-мактабдан Дилбар Исроилова, 13-мактабдан Нилу-

ёқатини аниқлаб, уларга касб-ҳунар танлашда кўмаклашади. Бунда асосий эътибор ногирон ҳамда соғлиғи ноқир болаларга қаратилмоқда.

Агар мактаб ва оиланинг бола тарбиясига қаратилган ҳаракати уйғунлаштирилса, боланинг беқор қолиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Айтилик, уйда боланинг дарс тайёрлаш, китоб ўқиш ва оила юмушларига қарашини вақти қатъий тартибга солинган бўлиши, мактабда эса у дарсдан сўнг фойдали машғулотларга жалб этилиши керак. Шу мақсадда барча мактабларда турли тўғрақлар ишлаб турибди. Айни вақтда тумандаги болалар ва ўсмирлар ижодий уйи, футбол мактаби, спорт мактаби, ёш техниклар маркази, тил маркази каби муассасалар имкониятларидан тўлақон фойдаланишга интиляпти. Бундан ташқари болаларни ишлаб чиқаришга, меҳнатга жалб этиш ҳам мумкин. Шуларнинг натижаси ўлароқ, туманимиз ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида «Сиз қонун-

ни биласизми?», «Президент асарларини ўрганамиз», «Ким кўп шеър билади?», «Яшил чирок», «Шунқорлар» каби кўрик-танловлар ва мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларга эришдилар. Ҳўқитувчининг бу борадаги асосий вазифаси боладаги қизиқишни уйғота олишидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма масала маблагга бориб тақалади. Давлат хазинасига қўз тикиб туриш бозор иқтисодиёти ақидаларига мос келмайдди. Бундан ташқари, илғор ва ташаббускорларни тўпиндан рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояни кўчайтириш ва яна кўпгина кўзда тутилмаган масалалар бор. Демак, мактаблар ҳам ўз-ўзини маблаг билан таъминлаши керакми? Шундай бўлса, бунинг қандай йўллари бор?

Авалло ўқитувчиларга давлатимиз томонидан катта имтиёзлар белгилаб қўйилганлигини таъкидлашни истардим. Шундай бўлса-да, кўшимча даромад топиш, уни умумманфаат йўлида сарфлаш ҳеч қачон зарар қилмайдди. Анча илгари ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида тармоқ касаба уюшма туман кўмитаси киритган таклиф бўйича ҳокимликка мурожаат қилдик. Оқибатда мактаблар учун жами 47 гектар ер майдони ажратилди. Бир неча йилдири, бу майдонларда экин экилиб, яхшигина даромад олинмоқда. Бундан ташқари, мактабларга қарашли этиқдўзлик, тикувчилик, зардўзлик устанолари, новвойхона, сартарошхона, тегиримон ва ҳоказолар ҳам фойда келтирмоқда. Ишлаб топиладиган маблағ тўлиғича биноларни жорий таъмирлашга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, китоблар ва бошқа ўқув-кўргазма воситалари олишга, кам даромадли ходимлар ва ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Хуллас, ҳозирги замонда қўл қовуштириб туриш мумкин эмас. Интилиш ва изланиш билангина мақсадга эришиш мумкин.

Облоқул ХОЛЖИГИТОВ, Жомбой тумани халқ таълими бўлими мудири.

«Бекободцемент» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти республикаимизда биринчи бўлиб сульфатга чидамли цемент тайёрлаш технологиясини ўзлаштирди. Халқ ҳўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган ушбу маҳсулот республикаимиздан ташқаридаги истеъмолчиларга ҳам етказиб берилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида бу ерда 250 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди.

Корхонада асбест қувурлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Диаметри 100 миллиметр, узунлиги уч метр бўлган янги маҳсулотдан истеъмолчиларга шу йилнинг ўзиде 120 шартли километрини жўнатиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, республика курилишлари учун шифер етказиб бериш ҳам кўпайтирилмоқда.

### Ким эди, ким бўлди?

Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.

Ислом КАРИМОВ

## ВАТАН ОЗОДЛИГИ ОЛИЙ САОДАТ

Хотима ШАЙХОВА - фалсафа фанлар доктори, профессор, Республика «Нуроний» жағмармасининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича гуруҳ раҳбари:

Мустақиллик шундай улуг неъматки, ундан ҳам моддий, ҳам маънавий руҳ олдик, қувватландик, ўзлигимизни танидик. Истиқлол она тилимизни қайтариб берди.

Шукурки, ўз маънавий, ўз байроғимиз, ўзимизнинг гербимиз бор бугун. Эскилик сарқити деб камситилган Наврўзи умулхалқ байрами сифатида нишонлаямиз. Яна Озодлик иймон-этиқодимизни, дину диёнатиимизни қайтарди. Наслимизни, аслимизни англадик, илдирилгимиз қайси мунаввар булоқлардан сув ичганини билдик. Ҳайитларда яйраб дам оладиган бўдик. Мустақиллик бизга инсондек эмас, ҳурлик бахтини на-сисиб этди. Бу кунларга кимлар етди-ю, кимлар етмади. Мустақилликнинг қадрига етиб, Озодликка етолмаган жону жигарларимиз учун ҳам яшаб меҳнат қилайлик. Тўлейимизга битган ҳур Ўзбекистонимиз мағнафати, Эрк ва Озодлик мағнафати ҳар биримиз учун катта масъулият ва бурчдир. Зеро, Ватанин севмоқ иймондандир.

Шоқодир ШОРАҲМЕТОВ - меҳнат фахрийси:

Авалло мустақилликнинг муборак дамларига етказган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Бугун эркин ва оозод Ватанда ашаддиган эканмиз, ўтмишимизни, кечаги кунимизни унутмаслигимиз керак.

Собик совет тизими даврида бизда на сиёсий, на ҳуқуқий, на маънавий имконият бор эди. Шунинг учун ҳам мустақиллик тақдирини ҳар бир ўзбекининг тақдиридир. Истиқлол қалбимизда, юрагимизда, иймон-этиқодимизда яшаши керак, токи, у гуруримиз, ор-номусимиз, қалб гавҳаримизга айлансин.


Унутмайликки, миллат тараққиёти, Озодлиги учун лоқайдликдан ҳавфли душман йўқ. Бизнинг Абдулҳай Тожиев номли маҳаллаимиз оксоқоллари ҳаммиша ҳушёр ва сезгирлик қилиб, бир болага етти қўши ота-она, деган давратга амал қилмоқдалар. 44 йил ўқувчилик қилиб, бугунгидек эъзоз-эътибор кўрганим йўқ. Мустақиллик мени яшарттирди, десам асло муболага эмас. Мана 82 ёшимда ҳам юртимиз хизматига камарбастаман. Ахир шундай юртга хизмат қилмай бўладими?!

Иброҳимжон ИСОМИДДИНОВ - тарих фанлар номзоди:

Энг улуг, энг азиз байрам арафасида турибмиз. Озодликнинг шуқуҳидан баҳраманд бўлган ҳар қандай инсон бундай пайтда ўзига ўзи ҳисоб беради, ўтмиш билан бугунини ҳаёл чигиригидан ўтказайди.

Тарихи йўқ халқнинг келажига йўқ. Маънавий қадриятлардан айро элнинг эса эътиқоди, иймони йўқ. Шунинг учун ҳам ганимларимиз бизни ана шу икки улуг амалимизда айро яшашига ундадилар. Бировларнинг тарихи, тилини ўргандик, урф-одатларига риоя этдик. «Отанг босмади, бобонг саводсиз», деган тақви лавнатларга чидаб яшадик.

Фақат Озодликка инсондек яшаш бахтини берди. Тарихимизнинг ҳақиқий саҳифаларини очаяптимиз, маънавий заиналаримиз дурдоналаридан баҳраманд бўлдик. Шунинг учун ҳам бугун ақл-заковатиимизни, қалб ҳароратиимизни Озод ва Обод юртимизнинг раванқига сафарбар этайлик.



# МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## Репортаж

Жиззах вилоятининг маркази кун сайин кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. «Асакабанк», Бахт уйи, «Жиззахмаркет», «Гўзаллик маркази» сингари ижтимоий объектлар қурилишга тушдики, бу билан аҳолига бир қатор қулайликлар яратилди.

Шаҳарнинг қоқ марказида лойиҳа смета қиймати 1,2 миллиард сўмлик «Олимпия заҳираси коллежи» қад ростламоқда. Мазкур иншоот нафақат вилоятда, балки бутун мамлакатимизда ягона ихтисослаштирилган билим маскани ҳисобланади. 750 ўқувчига мўлжалланган мазкур коллеж биносининг машғулотлар корпусида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

## «ОЛИМПИА ЗАҲИРАСИ КОЛЛЕЖИ»

### бу ерда юртимизнинг спорт юлдузлари камол топади

Уйсузлик комбинати ҳамда вилоят қасаба уюшмалари кенгаши таъминлашяпти. 580 нафар қурувчи ишни икки сме-нада олиб бормоқда. Бош пудратчи ташкилот - Турғун Искандаров бошлиқ 61-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари ҳозиргача 250 миллион сўмлик ҳажмдаги ишни бажаришди. Шунингдек, 14 та ёрдამчи қурилиш ташкилоти бу ишга жалб этилган.

Ажратилган умумий ер майдонининг 2,1 гектари-ни спорт иншоотлари эгаллаган. Баландлиги 7,5 метрли сакраш минораси йироқдан кўзга ташланиб туради.

Вилоят капитал қури-лиш бошқармаси етакчи мутахассиси М.Зоиров ҳамроҳлигида 2000 нафар томошабинга мўлжаллан-ган 102х72 м.ҳажмли ёпик спорт мажмуини кўздан кечира эканми келгуси-да бу ерда ёшларнинг ен-гил атлетика, баскетбол,

волейбол, мини футбол, гандбол, атлетика, тен-нис, бокс, кураш, сакраш сингари ўн беш турдаги спорт машқлари бўйича сабоқ олиб, жаҳон миқё-сида шаҳар кўрқига кўрк кўшиб турибди.

18 кишидан иборат бригада сўнгги пардоз-лаш ишларини олиб бо-ришяпти. Аваз Тошпў-латов бошлиқ бу брига-данинг ҳар бир аъзоси ўтган ойда ўртача 25 минг сўмдан иш ҳақи олишибди. Фишт терув-чилар, монтажчилар бригадалари жамоала-рининг ҳам иш ҳақлари чакки бўлмапти. Улар-нинг ҳар бири ижтимо-ий ҳимояга олиниб, ил-горлар моддий ва маъ-навий рағбатлантириб турилибди. Шунинг учун ҳам А.Мамаваҳимов, Ш.Қўшматов сингари қўли гул бунёдкорлар кунлик режаларини ор-тиги билан бажаришиб, бошқаларга ўрнак бўли-шяпти.

Асосий ўқув биноси ҳамда 200 ўринли ётоқ-хона бинолари тахтлаб қўйилиб, айни пайтда жиҳозлашга киришилди.

Мамлатимизнинг бар-ча ўқув даргоҳларидаги сингари «Олимпия заҳи-раси коллежи»да ҳам. 1 сентябрдан ўқув маш-ғулотлари бошланади. Республикаимизнинг тур-ли вилоятларидан кел-ган-13-14 ёшли иқти-дорли спорт ихлосман-длари сараланиб билим масканига қабул қили-нади.

Абдуманноб АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.



Дўстлик туманидаги Саркисов номли ширкатлар бирлашмасининг ижарачиси Зулфиқор бобо Нурматовнинг ёши 74 да. Шунга қарамасдан у тиниб-тинчимади. Отахон бирлашма худудидан 2 гектар ер олиб, ажойиб бог яратди.

Суратда: Зулфиқор бобо Нурматов кизи ва неваралари билан фарқ пишган меваларни йи-гиштириб олиш пайти.

И.ХАСАНОВ олган сурат.

## Чўлдаги кўчма дўконлар

«Бухорокооптранс» ҳиссадорлик жамияти қишлоқ аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиб кел-моқда. Айни пайтда жамият ҳисобидан 192 та турли хилдаги транспорт воситалари мавжуд. Уларнинг 80 фоизи яши ишлаб турибди. Режага асосан янги иш жойлари яратиш чоралари кўриляпти. Жумладан, Шо-фирқон тумани автоколоннаси қошида чорвачилик бўйи-ча ёрдამчи ҳўжалик йўлга қўйилди. Шу боис ўтган йил якуни бўйича жамият молиявий аҳоли бир мунча ях-шиланди. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар бил-лан ҳисоб-китоблар ҳам йўлга қўйилган.

Вилоят матлубот савдо акционерлик компанияси қарорига асосан чўл зоналаридаги аҳолига савдо хиз-мати кўрсатиш учун 5 та кўчма дўкон ишга туширилди. Улар орқали ҳар ойда ўрта ҳисобда 4 миллион сўмлик хизмат кўрсатиляпти. Озик-овқат ва ноозиқ-овқат мол-лари Қўзил-равот, Жонгелди, Галаба, Кўчма даҳалари ва Куюк-мозор насос станцияларига узлуксиз етказиб берилляпти.

Жамият ҳайдовчилари ўзларига биркитилган техни-кани асраб-авайлаб, топириқларни аъло даражада ба-жариб келляптилар. Ташаббускор ҳайдовчилардан Дав-рон Қурбонов, Ҳошим Дехқонов, Маҳмуд Ширинов, Эр-кин Жўраев, Ҳалим Маҳмудовлар ҳаммасларига ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Ҳиссадорлик жамияти таркибидан бўлган «Йўлдош» болалар оромгоҳи соғлом авлод йили муносабати бил-лан тўла таъмирланиб, фаолият кўрсатяпти.

Жамият қасаба уюшмаси ходимлари ижтимоий ҳимо-ялашга алоҳида эътибор бераяпти. Яқинда икки нафар ходим санаторийда дам олиб қайтди.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» мухбири.

Мустақиллик байра-ми арафасида «Кўкон-кимё» акционерлик жамиятида янги маҳ-сулот - аккумулятор учун электротил иш-лаб чиқариш йўлга қўйилди. Халқ ҳўжали-ги тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун

## АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

зарур бўлган ушбу маҳсулот шу пайтгача четдан олиб келинар эди. Эндиликда кўкон-лик кимёгарлар водий аҳолиси ва халқ ҳўжа-лиги тармоқларига ҳар ойда 15 тоннага яқин аккумулятор электротилларини мунтазам етказиб беради.

Янги маҳсулот акку-муляторларнинг си-фатли ва узоқ вақт нуқсонсиз ишлашини таъминляпти. Маҳсу-лотлар маҳсуе идиш-ларга қадоқланган ҳолда истеъмолчилар-га жўнатилмоқда.

Р.Қамолов, ЎЗА мухбири.

## ЯНГИ ЦЕХ

Шаҳрисабзда мар-мар ишлаб чиқариш савдо фирмасига қарашли кичик мармар цехи ишга туширилди. 15 киши янги иш ўри-нига эга бўлди.

Тадбиркор Азиз Саидов Улугбек жамоа ҳўжалигининг Катта-ноқи қишлоғидаги ан-чадан бери фойдала-нилмай ётган клуб би-носини сотиб олиб, а-на шундай цехни ташкил этди. У бунинг учун давлатдан 3 миллион сўм кредит олган эди. Тадбиркор айни пайт-да у ерда этикдўзлик дўкони ва сартарошхо-на очишга ҳам муваф-фақ бўлди.

Чарос РАЖАБОВА.

## ЖАМГАРМА ТАШАББУСИ

болалар орасида турли хил тадбир-лар, хайрия ишларини олиб бориш ва уларга моддий жиҳатдан ёрдამ бе-риш, — дейди жамғарма раиси Дило-рон опа Раҳимова. — Биз тумандаги мактабларда бўлиб, ўсири қизлар ора-сида «Балогатга етмасдан турмушга чиқилишнинг олдини олиш», «Қизлар ги-гиенаси» каби мавзуларда давра суҳ-батлари ўтказдик.

Бу йил жамғарма томонидан 15 ёшгача бўлган йигит ва қизларнинг 3 нафари Тошкент Минерал сувлари сижатгоҳига юборилди. Туман-даги болалар богчаларида эса «Соғломжон-полвонжон», «Соғлом бола-полвон бола», «Отам, онам ва мен» мавзуларида спорт мусоба-қалари уюштирилиб, голибарга совғалар тарқатилди. Бериуний ном-ли жамоа ҳўжалигида эса ана шу дастур асосида «Она ва бола» си-хатгоҳи очилди.

Нодира ҲАЙДАРОВА.

## Касаба уюшма сижатгоҳларида ХИЗМАТЛАР БЕПУЛ

деганларидек, эртадан кечга-ча шу ерда куйманамиз-у аммо ўзимиз сижатгоҳимиз муолажа-ларига муҳтожмиз. Даволаниб олайлик, маъданли сувлари-дан, бошқа муолажаларидан фойдаланайлик, десак, кейин рухсат этилади, деган жавобни эшитардик.

Шукрларким, истиқлол ту-файли инсонга муносабат ҳам ўзгарди, унинг кадр-қиммати ортди. Давр руҳини чуқур ту-

шуниб етган сижатгоҳ маъму-рияти жамоа аъзоларига га-мўрликни кучайтирди, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг тур-ли усулларидан фойдаланмоқ-да. Чунончи, ходимларнинг эр-талаб ишга келишлари учун алоҳида автобус ажратилган. Автобус хизмати ва тушлик ов-қат бепул. Сижатгоҳ худудида-ги экин майдонлари хоҳловчи-ларга 50 фоиз ҳосилдан фой-даланиш шarti билан келишув асосида биркитиб қўйилган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## Муаммо кўндаланг қўйилади

ҳам қўлланилмоқда. Со-атига 12 тонна, бир кун-да 260-270 тонна галла уруғи тозаланиб, кимё-вий дориланади. Шу билан бирга, уруғдаги чи-қит, тошлар тозаланади. Шу йилнинг сентябр ойигача 15 минг тонна галла қайта ишланади. Бу ҳақда «Олтинчигит»

туксизлангирган бўлсак, келгуси йилда эса бу қўрсаткич 4000 тоннани ташкил этади.

Эрта баҳорда 1 кило-грамм тукусизлангирган чигитни ҳўжалиқлар-га 118 сўмдан сотдик. Бу нарх халқаро нархларга нисбатан анча арзон бўлиб, келгусида хари-

ган чигитларимизнинг пули ҳисоб-рақамимиз-да йўқлиги ва бошқа омиллар сабаб бўлиб, ҳозирги кунда 23 мил-лион сўмлик зарар ҳолатига келиб қолдик. Агар қарзларимизни қайтариб олишга имко-ният яратиб берилмаса, мушкул аҳволга қола-миз.

«Олтинчигит» мамла-катимиздаги пахта лой-ихаси бўйича шугулла-наётган ягона корхона-дир.

Ҳа, қўшма корхона директорининг қуянгана-нича бор. Қишлоққа не машаққатлар билин са-ноатни олиб келишча-ро, баъзи мутасадди-ларнинг бепарволиги боис у ривожланишга юз туюлмади. Нима бўлгандаям бундай но-хуш аҳволга ҳадемай чек қўйилишига умид қиламиз.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

## Қўшма корхона: ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

қўшма корхонаси дирек-тори Жўра Менглибоев шундай дейди.

— Туксизлангирган чигит асосан вилоятимиз пахтазорларига экилди. Қадалган уруғ аввалги-ларига қараганда 5 кун олдин унинг чикди. Дала-га ишлов бериш хара-жатлари анча камайди. Ғўзаларнинг касалликка бардош бериши яхши. Ҳосилдорлиги юқори. Бу йил 800 тонна чигитни

ганда, бизнинг халқаро банқдан олган қарзлари-миз узилган бўлар эди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Молия вазир-лиги биздан чигит олган ҳўжалиқларнинг қарзла-рини ижобий ҳал этма-са, қўшма корхонамиз-нинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши мумкин.

Қўшма корхонамиз-нинг бизнес режаси аниқ ҳисоблар билан тузил-ган. Унга мувофиқ сот-

Яқинда Қумқўрган туманидаги Жанубий Сур-хон сув омбори бўйида Ўзбекистон-Греция ҳам-корлигида «Олтинчигит» қўшма корхонаси фао-лият кўрсата бошлади. Юртбошимиз Ислам Кар-имов Сурхондарёда бўлганларида воҳодаги қишлоқ ҳўжалигидаги жиддий нуқсон — маҳал-лий раҳбарларнинг уруғни яхши танлай олмас-лиги, деб алоҳида таъкидлагандилар. Ана шун-дан тўғри хулоса чиқарилиб, қисқа вақт ичиде «Олтин чигит» қўшма корхонаси ишга туширил-ди. У пахта уруғчилигига ихтисослашган бўлиб, чигитни тукусизлангириб беради.

Мазкур қўшма корхо-нада бўлганимизда, бу ерда олинадиган уруғ-лик чигитнинг афзал-ликлари хусусида гапи-риб беришди. Чунончи, илгари бир гектар ерга 65-70 килограммга яқин уруғ қадалган бўлса, ҳозирда бор-ўйи 20 кило-грамм чигит сарфла-нибди. Қўшма корхона ишчи-хизматчилари тайёрлаган уруғ вилоят-нинг 11 та туманида 15 минг гектар майдонга экилди. Мутахассислар-нинг фикрича, натижа-лар ёмон эмас. Ғўза-нинг ривожланиши бир

ой олдинга кетди. Бу ерда жорий йилга мўлжалланган 80 милли-он сўмлик энг юқори си-фатли уруғлик чигит иш-лаб чиқарилиди. Уни ки-мёвий йўл билан тукусиз-лангирадиган ускуналар Италия, Греция, Герма-ния мамлакатларидан келтирилди.

Корхонада иш мавсу-мий бўлиб, асосан ян-вар, феврал, март ойлари-да 75 ишчи кеча-ю-кунда ишлаяпти. Завод соатига 4 тонна, бир кунда эса 100 тонна чи-гитни тукусизлангирди. Бу жараён галлачиликда

## «Ишонч»га жавоб берадилар «ОФИШ НУҚТАСИ»

Газетамизнинг шу йил 3 июн сониде юқори-даги сарлавҳа остида босилган танқидий мақо-лада Зомин туманидаги «Ширин» фуқаролар йи-гини раисини ишдан бўшатишда туман ҳоким-лиги томонидан йўл қўйилган айрим камчилик-лар кўрсатиб ўтилганди.

Қуйида газетанинг ана шу чигити юзасидан олинган жавоб билан танишасиз:

— Мақолада таъкидланган далиллар вилоят ҳокимлиги томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Мазлум бўлишча, кейинги ойларида «Ширин» фуқаролар йиғини раиси фа-лолиятдан норози бўлиб ёзилган ариза ва шикоятлар кўпайган. Озак ва ёзма му-рожатлар илгари ҳам туман ҳамда вилоят ҳокимлиқлари-га билдирилган эди.

Текшириш жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, фуқаролар йиғини раиси Х.Холбўтаевнинг фаолиятини муҳкама қилиш ташаббуси туман ҳокимлигидан чиққан. Аммо фуқаролар вакиллари йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишда шовша-шошар-ликка йўл қўйилиб, «Фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилган. Ушбу йиғилиш баёни ҳам ўз вақтида тўлиқ расмийлашти-рилмаган. Унинг қўлёзма нус-хасида раисни вазифасидан озод этиш тўғрисидаги қарор йиғин котиби Х.Шайқулов-нинг айби билан тушириб қолдирилган. Бу эса ўз навбатида Х.Холбўтаевнинг ноқонуний ишдан бўшати-лганлиги хусусида ариза ёзи-шига сабаб бўлган.

Фуқаролар вакиллари-нинг шу йил 22 феврал кун-и бўлиб ўтган йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишда «Фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғри-сида»ги Қонун талаблари бу-зилишига йўл қўйганилини кўриб қарори билан туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Юсупов ва ҳокимлик бош мутахассиси А.Усмоновларга ҳайфсан эълон қилин-ган.

«Офиш нуқтаси» мақола-си ҳамда ушбу масалани ўрганиш якунлари 28 июл кун и вилоят ҳокимлигида шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйи-ча ўринбосарлари ҳамда ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари иштирокида му-ҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

О.ЖАВЛОНОВ, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари.

### Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премкулов жавоб беради.

**Савол:** Штатлар (ҳодимлар сони) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида батафсил тушунча берсангиз.

**Ҳ.ЗОКИРОВ,**  
Чирчиқ шаҳри.

**Жавоб:** Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлардан ташқари, корхонада штатларни қисқартириш масаласини иш берувчи мустиқил равишда ҳал этади (чунки уларда бу масалани маблағ билан таъминловчи ҳал этади). Аммо, унинг у ёки бу штатни (ҳодимлар сонини) қисқартириш ҳақидаги қарори (вакант штатлар бундан мустасно) асосли бўлиши шарт. Асосли деб - технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ҳодимлар сони (штат) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилиши тан олинди.

Шундай қилиб, юқоридagi «асосли» деб тан олинмаган ҳолатлар мавжуд бўлганда иш берувчи бирон бир ёки бир неча штатни қисқартиришни зарур топди дейлик. У бу ҳақида қайси штатларни қисқартиришни кўрсатиб буйруқ чиқаради. Агар бир турдаги бир неча штатлардан айримлари, масалан кадрлар бўлимидаги иккита инспектордан биттаси, ёки учта бухгалтердан иккитаси қисқартирилган бўлса, шу штатларда ишлайётган ҳодимлардан қайси бири ишда қолишда имтиёзга эга ва қайси бири билан меҳнат шартномаси тугатилиши кераклигини иш берувчи Меҳнат Кодексининг 103-моддасида кўрсатилган тартибда аниқлаши керак. Бу моддада айтилишича, ушбу ҳолда аввало малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқорирак бўлган ҳодимлар имтиёзли ҳуқуққа эгалар.

Малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлган тақдирда куйидагиларга афзаллик берилади:

1) қарамоғида икки ва ундан ортиқ киши бўлган ҳодимларга;

2) оиласида ундан бошқа мустиқил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ҳодимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юрларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ҳодимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юрларини, ҳунар техника билим юрларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлайётган тақдирда икки йил мобайнида;

5) мазкур корхонада меҳнатда май-и бўлиб қолганларга ёки касб касаллигини ортирган шахсларга;

6) уруш ноғиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги ҳалокатлар оқибатида келиб чиққан кучли радиация нурланиши билан боғлиқ касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ноғиронлиги мазкур тусдаги ҳалокат муносабати билан бошланганлиги аниқланган ноғиронларга; ана шундай ҳалокатлар ва фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилingan ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Юқорида айтилган «имтиёзли ҳуқуқ» билан «афзаллик» деган ибораларга эътиборни қаратиш зарур. Уларни ўз «юридик кучлари» бўйича қўллаш лозим. Яъни имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган ҳодим бўла туриб афзалликка эга бўлган ҳодим ишда қолиши мум-

кин эмас. Яна бир қарра таъкидлаш кераки. Меҳнат Кодексининг 103-моддаси фақатгина бир турдаги штатлардан айримлари қисқартириляётгандагина қўлланилади. Агар шундай бир турдаги штатлар қаторида бўш (вакант) штат бўлса, аввало бу бўш штат қисқартирилиши керак.

Иш берувчи қисқартирилиши мумкин бўлган штатни эгаллаб турган ҳодимга камда икки ой олдин унинг ўзига имзо чектирган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилиниши кутляётганлиги ҳақида ёзма огоҳлантириш хати беради. Бир неча ҳодимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши кутляётган бўлса, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида огоҳлантириш хати берилади. Огоҳлантириш хатида корхонадаги мавжуд бўлган бўш штатлар (иш ўринлари) кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар ҳодимга тақлиф этилиши шарт. Бунда бўш штатлардаги лавозимлар (иш ўринлари) ҳодимнинг малакаси, мутахассислиги, касб-корига тўғри келадими ёки йўқми масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Чунки, Меҳнат Кодексининг 92-

ция ва бир ойлик ўртача иш ҳақи миқдоридан нафақа тўланиши;

в) меҳнат шартномаси тугатилгандан сўнг иккинчи ой учун ўртача иш ҳақи сақланиши (масалан, ҳодим билан меҳнат шартномаси 27-августдан бекор қилинган бўлса, 27-сентябрдан 27-октябргача бўлган давр иккинчи ой ҳисобланади ва шу давр учун ўртача иш ҳақи тўланади, чунки биринчи ой, яъни 27-августдан 27-сентябргача бўлган давр биринчи ой бўлиб, у юқорида айтилган «ўртача иш ҳақи миқдоридаги нафақа» билан қопланиб кетади), ҳодим ишдан бўшагандан кейин ўн кун муддатда меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган ва уларнинг ёрдами билан ҳам ишга жойлаша олмаган бўлса, шу биржа томонидан берилган маълумотномага асосан ишдан бўшагандан кейинги учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи тўланиши керак.

Иш берувчи ҳодимни огоҳлантириши - кутляётган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг биринчи шарт, имконияти бўлганда бошқа иш тақлиф қилиш иккинчи шарт бўлса, энди учинчи шарт - бу ҳодим ҳақидаги маълумотларни (ҳодимнинг фамилияси, исми шарифи, ёши, мутахассислиги, турар жойи ва ҳ.к.) маҳаллий

бекор қилиш босқичига етиб келинди.

Агар жамоа келишувиде (у тармоқ бўйича ҳам, ҳудуд бўйича ҳам тузилган бўлиши мумкин) ёки корхонадаги жамоа шартномасида биз кўриб чиқайтган асосга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмасини (ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органларини) олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса (корхона тугатиляётган вақтдаги ёки корхона раҳбари билан шартномани бекор қилиш ҳоллари бундан мустасно) иш берувчи касаба уюшмаси кўмитасига ёзма равишда меҳнат шартномаси қонуннинг қайси моддасининг қайси бандига асосан бекор қилиниши мумкин эканлигини кўрсатиб розилик сўраб мурожаат қилади.

Касаба уюшмаси кўмитаси ушбу мурожаатни ўн кун муддатда ҳодимни иштирокини таъминлаган ҳолда, (агар у узриси сабабга кўра мажлисга келмаса унинг иштирокисиз) муҳокама этиши ва иш берувчига ўз қарорини ёки қароридан кўичини бериши керак. Узрли сабабларга кўра ўн кунлик муддат узайтирилиши мумкин.

Касаба уюшмасининг розилиги иш берувчига ҳеч қандай мажбурият юкламайди, у фақат ҳуқуқ беради. Бу дегани иш берувчи касаба уюшмаси розилигини олгандан сўнг бир ой ичида бир қарорга келиши, яъни ҳодим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ёки хоҳламаса бекор қилмаслиги мумкин. Аммо, бир ойлик муҳлат ўтказиб юборилса, меҳнат шартномасини ўша сабабга кўра бекор қилиш учун қайтадан розилик сўраш керак бўлади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда ҳодимга унинг охириги иш куниде унга тегишли барча тўловлар, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан бири нусха ва меҳнат дафтарида берилиши керак. Агар, ҳодим ишда бўлмаса (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври бундан мустасно) унга ёзма ахборот юборилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалиётда бир неча штатлар қисқартирилиши кутляётган бўлса корхонада махсус комиссия тузилиши ва унга бир қатор вазифалар юклатилиши учраб туради. Бу албатта қонунга зид эмас, лекин айни пайтда мажбурий ҳам эмас. Корхона тугатиляётган бўлса «Тугатиш комиссияси»ни тузиш мажбурийдир. Штатлар қисқаришида тузиладиган комиссиялардан фарқли ўлароқ, «Тугатиш комиссияси» тузиладиган иш берувчининг барча ваколатлари шу комиссияга ўтади.

Биз юқориде иш берувчи ҳодимни камда икки ой олдин огоҳлантириши ҳақида сўз юритдик. Бу борада шуни айтиш керакики, огоҳлантириш муддати ҳодим билан иш берувчи ўртасида келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мутаносиб пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Эътибор беринг, фақат тарафларнинг келишувига биноан, - бу дегани на иш берувчи ва на ҳодим бир томонлама талаб қилиши мумкин эмас. Агар ҳодим шундай илтимос билан чиқса ва иш берувчи рози бўлса компенсация тўланиши шарт, чунки бунда меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси ўзгармайди (баъзида шундай ҳолларда меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 99-моддасига биноан, яъни ҳодимнинг хоҳишига кўра деб бекор қилишлари учраб туради, - бу нотўғри). Ҳодим томонидан шундай илтимос бўлганда иш берувчи рози бўлмаса, у ҳодимдан ишни давом эттиришни талаб қилишга ҳақлидир, ҳолос. Мабодо, икки ойлик огоҳлантириш муддати тугаган бўлса, пуллик компенсация ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ОЛИЙ БАҲТ

моддасида айтилишича агар объектив сабабларга (жумладан штатлар қисқаришига) кўра меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ҳодимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, - корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни тақлиф этиши шарт. Ҳодим бошқа ишга ўтишга розилик бермаса ёки корхонада тақлиф қилиниши мумкин бўлган (нима учун «мумкин бўлган» дейишимизнинг сабаби, корхонада бўш ўрин бўлиши мумкин, аммо унга бошқа жойдан бошқа ҳодим тақлиф қилиб қўйилган бўлиши мумкин. Тақлиф қилинган ҳодимни ишга қабул қилишни рад этиш мумкин эмас, шунинг учун бу бўш ўрин қисқартириляётган ҳодимга тақлиф қилинмайди, ёки мавжуд бўш ўриндаги иш ҳодимнинг соғлиғига тўғри келмаслиги мумкин, бу ўринда ҳам тақлиф бўлиши мумкин эмас) иш бўлмаса тақлиф этилмаслиги мумкин.

Ундан ташқари, огоҳлантириш хатида ҳодимга бериладиган имтиёз ва кафолатлар ҳам кўрсатилиши керак. Имтиёз ва кафолатлар қаторига қуйидагилар кирди:

а) огоҳлантириш муддати даврида бир ҳафтада камда бир кун иш ҳақи сақланган ҳолда ҳодим ишдан озод этилади, бу унга иш қидириб топилу учун ижтимоий кафолатдир;

б) меҳнат шартномаси бекор қилинса унга тегишли иш ҳақи, фойдаланилмаган меҳнат таътили (агар бир неча йиллик таътиллари йиғилиб қолган бўлса, ҳаммаси) учун компенса-

меҳнат органи (айнан қайси маҳаллий меҳнат органи эканлиги қонунчиликда аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли тажрибада ҳодимнинг хоҳишига кўра бўлади. Мана шу учала шартлар айни бир вақтда амалга оширилади. Мабодо, огоҳлантириш муддати даврида корхонада иш ўрни (лавозим) бўшаб қолса, шу бўшаган ўрин (лавозим) ҳам тақлиф этилиши керак.

Огоҳлантириш муддатига ҳодимни вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган даври кирмайди, корхона тугатилиши ҳоллари бундан мустасно. Қонунчиликда огоҳлантиришнинг минимал муддати икки ой қилиб белгиланган, аммо унинг максимал муддати белгиланган эмас, шунинг учун «огоҳлантириш берилгандан сўнг икки ойдан кўп вақт ўтиб кетса бошқатдан огоҳлантириш берилиши керак» деган фикр тўғри эмас.

Иш берувчи ҳодимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камда икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади.

Мана, иш берувчи айрим штатларни (штатни) қисқартиришни белгилаб олди, тегишли ҳодимларни огоҳлантирди, имконияти бўлганда бошқа иш ҳам тақлиф этди, кимнидир иш билан таъминлай олди, кимнидир таъминлай олмади - энди меҳнат шартномасини

### • Бу барчани бирдек ўйлантиради •

## ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК

Бутун дунёда энг замонавий ва даҳшатли оммавий қиргин қуроли ҳисобланган наркотикларни «XXI аср вабоси», «оқ ўлим» деб ҳам аташади.



Героинни уч марта истеъмол қилган - ҳидлаб, чекиб ва укол қилиб қўрган киши гиёҳвандга айланган қолади. Уни ташлаш осон эмас: бош ва мускуллар оғрийд, кўнгил айнийди, юрак, ошқозон, жигар бошқа органларнинг фаолияти бузилади. Иродаси синган кишини на-шавандлик ўз домига торта бошлайди.

Наркотиклар катта маблағ талаб қилади. Натияжада уйдаги қимматли жиҳозлар: компьютер, телевизор, музлатгич ва бошқалар сотила бошлайди. Қарзлар пайдо бўлади, уларни қайтариш учун гиёҳванд ўғрилиқ ва босқинчиликка қўл уради.

Бугунги кунда ушбу даҳшатли иллат геометрик прогрессияга нисбатан тезроқ ривожланиб бормоқда: битта гиёҳванд яна олти кишини ўз сафига тортади. Фақат ўндан бир кишининга бу зарарли одатни ташлашга қодир.

Ташқартадан ҳам бу қўрқинчли қурол: у жанговар ҳаракатлари, армия сақлаш, қурол, ўқ-дори ва техника етказиб беришни талаб қилмайди. Кичкина пакетдаги героин ўнлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

қарши кураш билан шуғулланувчи «Қалб садоси» жамоатчилиги жағғармаси уюштирди. Шубҳасиз, бу жуда керакли иш, чунки касаллиқни даволашдан кўра олдинки олиш осонроқ.

Биз ёшлар ўртасида бундай учрашувларни аёнанага айлантирмоқчимиз, - дейди жағғарма бошқаруви раиси, Тошкент шаҳар наркологиа диспансерининг бош шифокори Олег Мустафин. - Бундай сўхбатларни мамлакатимиздаги барча мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида ўтказиш ниятимиз бор. Чунки статистик маълумотлар, наркотиклар, энг аввало, миллат генофонди бўлган ёшларни зарарлаётганини кўрсатамоқда.

Бу муаммо барчамизга тегишли ва унга қарши биргаликда курашишимиз лозим. Бу ишга етакчи наркологилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларини, ҳокиимлар ва маҳалла кўмиталарини, телевидение, радио ва матбуотни кенг жалб қилиш, муаммони яширмасдан, очикча муҳокама қилиш зарур.

Фақат шу йўл билан «XXI аср вабоси»дан ҳалос бўлиш мумкин.

Рустам Шағев,  
УаА муҳбири.

## OLAMDА NIMA GAP

**ДЕХЛИ.** Ҳиндистон БМТ Бош ассамблеясининг сентябр ойида Нью-Йоркда очилган сессиясида террорчиликка қарши кураш масаласига бағишлаб халқаро анжуман ўтказиш тақлифини киритмоқчи. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх мамлакат парламенти юқори палатаси йиғилишида шу ҳақида маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Россия, АКШ каби йирик давлатлар бу фикрни маъқуллаган.

**МЕХИКО.** Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти раиси Али Родригес ташкилот аъзоларини жаҳон бозорига нефть ҳаддан зиёд қўлайиб кетгани ва бу унинг нархи тушиб кетишига олиб келиши ҳақида огоҳлантирди.

А.Родригес айнан қайси мамлакат ҳаддан зиёд нефть ишлаб чиқараётгани ҳақида аниқ гапиргани

ни йўқ. Лекин айрим кузатувчиларнинг фикрича бу огоҳлантириш Саудия Арабистонига тегишли. Чунки бу мамлакат ташкилот аъзолари билан маслаҳатлашмай туриб, бир ёқлама тартибда, бозорга чиқариляётган кунлик нефть қандаларни 500 минг баррелга оширган.

**ЖАКАРТА.** Индонезия ҳарбийлари Амбон шаҳри яқинидаги ҳаракатлиниш қийин бўлган ҳудудларда қўлиб кетган 2 мингга яқин одамни вертолётлар ёрдамида кўчира бошлади. Чорасиз қолганлар асосий нарсонийлардан иборат. Сўнгги кунларда экстремистлар улар истиқомат қилаётган қишлоқларга кўп бор босқин уюштирди. Бу зўравонлик натижасида камда 25 киши ҳалок бўлди.

**МОСКВА.** Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир Россия президенти Владимир Путинга йўллаган мак-

тубида, агар хорижий мамлакатлар КХДРга фазога суний йўлдаш олиб чиқишда ёрдам кўрсатадиган бўлса, расмий Пхеньян ўзининг узоқ масофага учувчи ракеталар ишлаб чиқариш дастуридан воз кечишга тайёр эканлини маълум қилди.

**ВЕНА.** Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдоги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер ўтган сешанба кунини Черногорияда ташкилот вакиллари Югославия ҳарбийлари томонидан ҳибсга олингандан норозилик билдирди. Ушланганлар орасида ЕХХТнинг Косоводаги миссияси таркибидеги икки британиялик мутахассис ва уларни кузатиб келаяётган кишилар бўлган. Улар ЕХХТ ташаббуси билан Косовода очилган полиция мактабига фаолият кўрсатаётган эди.

(УаА)

Назм бўстони

НУР ҚИДИРИНГ БУ ЮЗДАН...

ТАЪРИФ

Аёлнинг гўзаллигини уни суйганлар айтсин, Минг битта жонни бериб, ишқда куйганлар айтсин.

Юлдуз нима, юлдуздак порлаган кўз олдида, Унинг иссиқ тафтини дилда туйганлар айтсин.

Кўшланиб, ойланиб аёл турса ёнида, «Осмондан настга туш» деб қовоқ ўйганлар айтсин.

Аразларни ноз дея худди Отабек мисол, «Кумушиммас, Олтиним» дея суйганлар айтсин.

Осмонимда Ойим денг, Лайлом, Барчиноим денг, Садоқатни юракка чуқур ўйганлар айтсин.

Нур қидиринг бу юздан, гул қидиринг бу издан, Қалбининг кўзи очик, ҳақиқи билганлар айтсин.

Аёлнинг кимлигини билмаганлар айтмасин, Аввал суоиб аёлин бошга куйганлар айтсин.

ХАЙРЛАШУВ

Мен кетдим... Исламанг... Тополмагайсиз... Энди юрагимнинг дупурларини. Кетгунча йўларда қолдирдим фақат Атлас кўйлагимнинг атрларини.

Мен кетдим. Кўларим орқамда қолди... Яширдим дилмининг қийноқларини. Мағрур нигоҳим-ла хайратга солдим Дўстларнинг қалб кўзи уйғоқларини.

Мен кетдим! Ишқ йўли тиконли экан. Сизга энг сўнгги бир сўзим айтаман: Эртага чўғ бўлиб, ё олов бўлиб Барибир, мен Сизга қайтаман!

Муҳаббат ТҲУТАШЕВА.

Уй бекалари, сизлар учун

ЖОНИМ МУРАББО

Чилла кўёшида пишиб этилган янвойи мевалар хозир айни шира боғлаган пайт. Хар бир уй бекаси албатта улардан ширин-шаккар мураббо тайёрлаб олишни ўйлайди. Куйида мураббо тайёрлашга оид маслаҳатлар берилаётир.

Ишни мева, қанд, шаккарни аниқ ўлчашдан бошланг. Бунда тарозидан фойдалансангиз у тўғри, аниқ ишласин. Чунки мураббо хуштаъм бўлиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқлигини унутманг. Мабодо, мураббо нордонгина бўлишини истасангиз, 1 кг мева-чевага 750 грамм шаккар қўшинг. Лекин бундан камайтирманг, чунки уни узок асролмайсиз.

Имкон қадар бир қайнатишда идишга 2 килограммдан ошқ мева солманг.

Қайнатишга тайёрланган меваларни шаккарга аралаштириб, бир муддат устини ёпиб қўйинг. Шунда шаккар меваларнинг «баданига сингади». Бунинг учун 2-3 соат кифоя.

Мураббони махсус идиш

ёки мис тоғорада, бўлмаса куйма чўян қозонда қайнатган маъкул.

Оловни баланд қилиб юборманг: қозон милтиллаб қайнайверсин. Сиз уни вақти-вақти билан кавлаштириб туринг. Кўпигини эса энг охирида — оловни ўчиришдан олдин олинг.

Мураббо қачонки мева шаффоф, ёрқин ранга кирганида тайёр бўлган ҳисобланади. Худди шу пайтни қўлдан бой берманг. Ликопчага мураббодан бир неча томчи солинг. У ёйилмасдан дарров қотса, идишни оловдан олсангиз бўлади.

Идишни ўтдан олишда 2-3 дақиқа олдин лимон шарбати қўшишингиз мумкин. Бунда мураббо яхши сақланади. Сўнгра нордонгина таъм ҳосил бўлади. Агар нордон мевалардан мураббо тайёрланган бўлсангиз, бу ишни

маслаҳат бермаймиз.

Мураббо солинадиган шиша банкаларни қайноқ сувда ҳафсала билан ювинг. Сўнгра оғзини ерга қилиб сочиқ устига тўнқаринг. Офтобда яхшилаб қуритинг. Мураббони қайноқлигида банкаларга солинг.

Мураббо қайноқлигида банканинг оғзини ҳам маҳкамлаб беркитиб олинг.

Мурабболи банкаларни қоронгу, қуруқ, салқин жойда сақланг. Унга шамол тегиб турса, яна ҳам яхши.

Мураббони 2-3 ойдан сўнг истеъмол қила бошласангиз бўлади.

Мева-чеваларни бир-бирига қўшиб қайнатишга, айниқса, эътибор беринг. Шунда қутилмаганда яна ҳам хушхўр мураббо тайёрлаган бўласиз. Шафтоли, нок, малинани қўшиб қайнатиш мумкин. Қишда бундай мураббо

дан тотсангиз уйингизга ёз ҳарорати киргандек бўлади.

Мабодо мураббо жуда яхши ўхшалмаса, айб махсулотда эмас, тайёрлашда деб билинг. Мураббони қуюлтирадиган, шира боғлатадиган пектин моддаси жуда ҳам беқарордир. Оловни мўлжалдагидан сал баланд ёки сал пастроқ қилсангиз, кўзлаган мақсадга етолмайсиз.

Мураббонинг бир қайнови ичида қолган бўлса, уни албатта янгидан қайнатиш. Лимон шарбати қўшишни унутманг. Шунда ҳам у кўнгилдагидек бўлмаса, тақдирга тан бериб воз кечишингизга тўғри келади.

Қўрдингизми, мураббо қайнатиш ҳам маҳорат, санъат талаб қиладиган юмуш. Шунинг учун мураббони ўз вақтида зийраклик билан қайнатишга эътибор беринг. Қанду асалдек мурабболар дастурхонингизни қиш бўйи безасин.

Ғолиб МИРЗО тайёрлади.

НАМАНГАНДА СПОРТ БАЙРАМИ

Наманган вилоятида август ойи спорт мусобақаларига бой бўлиши кутилмоқда. Вилотнинг энг яхши спорт базаларида бирданига иккита йирик мусобақа ўтказилади. Бокс бўйича вилот хокими соврини учун бўлиб ўтадиган халқаро турнирда республикамиз ва Марказий Осиё давлатлари спортчилари иштирок этади. Мусобақа ғолибларига спорт устаси унвони берилади.

Август ойининг иккинчи ярмида Наманган шаҳрининг асосий спорт майдонларида вилот хокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман хокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, қорхона, ташкилот ва ҳўжаликлар раҳбарлари иштирокида спартакиада бўлиб ўтади. Улар спортнинг олти тури - енгил атлетика, сузши, баскетбол, мини-футбол, шахмат ва теннис бўйича ўзаро куч синашади.

Футбол

ХАЁЛДА ТЕРМА ЖАМОА

Сарқисян учун ниҳоятда масъулиятли дамлар бошланди. Олдинда мамлакат чемпионатининг иккинчи давраси, бу ҳам майли, эндиликда у кўзда Ливанда бўлиб ўтадиган Осиё кубоги баҳсларига Ўзбекистон миллий терма жамоасини тайёрлаш ҳам керак. Шу боиски, Юрий Вазгенович Жиззаҳда маҳаллий «Сўғдиёна»га қарши майдонга тушган «Нефтчи» командасини бошқараётди, ҳойнаҳой, хаёлининг бир четиде Ватан футболчи шавқ-шавқатини қандай қилиб кўтариш хуросида бош қотириб ўтирган бўлса ажаб эмас.

Балки шунинг учунми, шогирдлари ҳам ўз устозларини ортиқча асабийлантирмаслик пайида бўлишди. Таъбир жоиз бўлса, билиб-билиб ўз ишларини қилишди. Оқибатда гарчанд «Сўғдиёна» ўйинчилари қўл қовуштириб ўтирмаган эсалар-да, фарғоналикларнинг шашти баландлиги, энг муҳими, маҳорат бобида анча устун эканликлари ўз самарасини берди. «Нефтчи» тажрибали мураббий бошчилигида мезбонда ҳам, меҳмонда ҳам бирдек йигинчоқлик билан ўйнай олишини исботлади ва 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Кошкийди, мамлакат терма жамоамизга ҳам ушбу хислатлар юкса!

Чамаси, оралиқ бир ойлик таътилни мураббийлар беҳуда ўтказмаган кўрнадилар. Баъзи учрашулар натижасини таҳлил қилиш беҳитёр шундай хулосага ундайди.

Лоақал «Хоразм» - «Навбахор» ва «Турон» - «Темирйўлчи» командалари ўртасида бўлиб ўтган ўйинларга эътиборни қаратайлик. Авваламбор урганчилик футболчиларга ташаккур билдиришни истардик. Кимсан Наманганнинг «Навбахор»и билан тенгма-тенг ўйнаш барчага ҳам насиб этавермайди. Бир неча футболчилари миллий терма жамоа номзодлари бўлиш меймонлар ғалаба қозониб, ўз мавқеларини янада мустаҳкам олишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, майдон эгаларининг шиддаткорлиги сулҳа имзо чекишга мажбур этди уларни. Ҳисоб — 2:2.

Биз турнир жадвалининг сўнгги погонасида қўришга ўрганиб қолган «Турон» эса қўқонлик «чарм тўп» усталарининг қаршилигини енгиб, 3:1 ҳисобида муҳим ютуққа эришди. Бу ғалабадан сўнг Оролбўйи жамоаси ниҳоят охириги ўринни тарк этди. Қўрамиз, «Турон»да юз берган сифат ўзгариши командада узок муддат давом этган ўтроқликка қай даражада таъбирини ўтказар экан. Буни навбатдаги учрашулар натижасидан билиб оламиз.

Қолган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» - «Сурхон» - 4:2; «Металлург» - «Насаф» - 0:0; «Гулистон» - «Андижон» - 2:0; «Семурғ» - «Қизилқум» - 1:1; «Пахтакор» - «Бухоро» - 3:2.

Кеча «Кимёгар» - «Зарафшон» ва «Дўстлик» - «Самарқанд-Д» жамоалари ўзаро учрашдилар.

Table with 5 columns: Жамоалар, У, Ю, Д, М, Т, Н, О. Lists football teams and their scores.

Нукус шаҳрида 35 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Унинг шартномавий қиймати 90 миллион сўм бўлиб, умумий майдони 3631,2 квадрат метрни ташкил этди. Қурилиши «Қорақалпоғистон саноат — фуқаро қурилиш» ҳиссасдорлик жамияти олиб борди.

Шаҳар аҳолисини турар-жой бинолари билан таъминлаш борасидаги ишлар қизғин давом этапти. Яқин кунларда шаҳарнинг «Сарбиназ» массивида 16 хонадонли 2 та 4 қаватли турар-жой биноси қурилиши бошланади.

Суратда: янги барпо этилган турар-жой биноси.

Омонбой МУРОТОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Тошкент почтаси» Бўка туман филиали бошлиғи Бахтиёр Раҳмонов мўмай даромад топишининг энг разил усулини таллади. У ўзига бириктирилган ҳудудда одамларга нафақа пулларини тарқатишни пайсалга солиб, ҳатто ведомостга ўзи имзо чекиб юбораверди. Тошкент вилояти прокуратураси ходимлари унинг бу қилмишига чек қўйди. Текшириш чоғида Б.Раҳмонов ўз фаолияти давомида хизмат вазифасини суистеъмол қилиб, 882 минг сўмдан зиёд нафақа пулларини ноқонуний ўзлаштириб юборгани аниқланди.

НАФАҚАНИ СУВ ҚИЛИШДИ

Шунингдек, тумандаги «Янги Сағанак» алоқа бўлими бошлиғи Эгамқул Араббоев ўтган йилнинг сўнги уч ойи давомида берилиши лозим бўлган 555 минг сўмдан ортиқ, «Жамбул» алоқа бўлимининг бошлиғи Тиллабек Бўрибоев эса 326 минг сўмдан ортиқ нафақаларни ими-жимидга гумдон қилиб юборишган экан. Айни пайтда мазкур ҳолатлар юзасидан ниҳоят иши кўзгатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, вилотда аҳолига нафақаларни тарқатишда кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда. Вилот прокуратура идоралари ўтган олти ой мобайнида 98 шахсга нисбатан интизомий, 30 шахсга нисбатан маъмурий иш кўзгатгани, мутасадди ташкилотларга 51 та тақдимнома юборгани ана шундан далолат беради.

Н.ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

Албатта, бахтин ҳар ким ҳар уни тушунади. Кимдир ҳашаматли уйга эга бўлишга интилса, кимдир гўзал ва меҳрибон турмуш ўртоғи бўлишни орзу қилади. Яна кимдир салоҳиятли, ҳаётининг давомчиси бўлган фарзандларини бахтиёрлик белгиси деб билади. Ана шуларнинг ҳаммасига эга бўла туриб, уларнинг қадрига етмаган одамни ким деб атаса бўлади?

Баҳор пайти эди. қасд қилди. Ҳа, бу ишни эри Ҳалил қилгани йўқ. Лекин... Ким ҳам айбини бўйнига олади дерсиз? Оққўрғон туман судининг шу йил 7 июн кунги судья Абдумалик Жалилов томонидан олиб борилган суд мажлисида юз берган муд-қиш воқеа гувоҳлар иш-тирокида таҳлил этилди. — Қизим Маҳфуза кувим билан 12 йил бирга яшаб, ҳаловат кўрмади, - деди гувоҳ, Маҳфузанинг онаси Дамира Хабирова. - Кувим дол-имий равишда арзима-ган сабаблар билан қизимни уриб, кўкармаган жойи қолмаганди. У оиласидан беизб уч бо-ласи билан ўн кунлаб меникида яшар, Ҳалил

келиб кечирим сўраса, яна олдиға тушиб кета-верар эди. Қизим таби-атан кўнгилчан эди. Қи-зим, борсанг яна шу ахвол бўлади-ку, нима-га кетаяпсан десам, бо-лаларим отасиз ўсма-рин, дерди. Мана, оқибат...

— Мен марҳуманинг келиниман, - деди Ф.За-ғидуллина. - Опам Ма-ҳфуза ҳар сафар калтак-ланиб келганида уч кун-лаб ўрнидан туролмас-дан ётарди. 1998 йил

Опа, мен уни яхши кўра-ман, шунинг учун қизго-наман дерди. Бир неча бор оқсоқоллар билан муҳокама ҳам қилган-ми. Ҳар сафар бу охи-ргиси дерди. Яна ахвол шу тариқа давом эта-верар эди.

Албатта, ҳеч бир жи-ноят жазосиз қолмайди. Суд вазиятга одилона баҳо бериб, Ҳалил Фа-рахутдиновни Ўзбекис-тон Республикаси Жино-ят Кодексининг 2-қисми 103-моддаси билан

Янгийўл туман суди то-монидан уч йил мажбу-рий ишлаб беришга ҳукм қилинган. Лекин тегишли хулосага кел-маган, оиласига ҳам тинчлик бермаган. 12 йиллик ҳаёти давоми-да Маҳфуза 2 марта калтак зарбидан туман шифохонасининг жадал даволаш бўлимига ёт-қизилди. Маҳалла фа-оллари, ички ишлар бўлими участка вакили аралашган. Лекин фой-даси бўлмаган. Улар-нинг кескин чора кўрмасликларига сабаб эса аёлнинг кечирим-лиги бўлган.

Шундай қилиб, ҳали 30 ёшга ҳам кирмасдан туриб бир олам ушал-маган Маҳфуза орзула-рини, армонларини ўзи билан олиб кетди. Уч нафар ота-она тарбия-сига, моддий мадади-га муҳтож бола етим қолди. Тирик эрса-да, Ҳалилнинг ҳам ҳаётида рўшнолик бўлмайди энди. Унинг зўравонли-ги, шафқатсизлигига жазо бу. Аммо бола-ларда нима айб?

Муборак МИРКАМОЛОВА, «Ишонч» мухбири.

НОШУЖУР

анасида юз берган муд-қиш воқеа гувоҳлар иш-тирокида таҳлил этилди. — Қизим Маҳфуза кувим билан 12 йил бирга яшаб, ҳаловат кўрмади, - деди гувоҳ, Маҳфузанинг онаси Дамира Хабирова. - Кувим дол-имий равишда арзима-ган сабаблар билан қизимни уриб, кўкармаган жойи қолмаганди. У оиласидан беизб уч бо-ласи билан ўн кунлаб меникида яшар, Ҳалил

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), «Ишонч-Довери», М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий адади 14.002 нуска. Сотузда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-маълумат концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.00